БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 11 (4727).

16 ЯНВАРЬ СЕШАНБА 1973 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.



ТОШКЕНТ метрополитенида олиб борилаётган иш ҳажми кун сайин кенгайиб бормоқда. Суратда: Фарҳод — Дўстлик станциясида бунёд этилаётган тоннел қурилишини кўриб турибсиз.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «САНОАТ, ҚУРИЛИШ ВА ТРАНСПОРТ ХОДИМЛАРИНИНГ 1973 ЙИЛ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ УЧУН БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ АВЖ ОЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ҲАҚИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети ўз қарорида таъкидлаб ўтганидек, совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида КПСС XXIV съездининг қарорларини изчиллик билан амалга оширмоқда, тўққизинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун фидокорона курашмоқда. КПСС Марказий Комитети Пленуми маъқуллаган ва СССР Олий Совети сессияси тасдиқлаган халқ хўжалик планига мувофиқ, барча тармоқлар, меҳнаткашлар коллективлари ва ҳар бир меҳнаткаш олдига янги масъулиятли вазифалар қўйилади. Беш йиллик планнинг муваффақиятли бажарилиши шу йилда қилинадиган ишларнинг натижаларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бу эса 1973 йилни тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилига айлантиради.

Социалистик мусобақа, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати меҳнаткашларнинг ташаббусини ривожлантириш, ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва улардан фойдаланишнинг, халқ хўжалик планларини тўла ва ошириб бажаришнинг ҳамиша таъсирчан воситаси бўлиб келди ва шундай восита бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг СССР ташкил этилган куннинг 50 йиллиги муносабати билан совет халқига қилган мурожаатига жавобан тўққизинчи беш йиллик учинчи йили халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилмоқдалар. «Ташсельмаш», Тошкент кабель заводи ва Бекобод металлургия заводи, «Средазуголь» комбинати ва Сирдарё ГРЭСи, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Чирчиқ электр химия комбинати, Фарғона тўқимачилик комбинати ва Каттақўрғон ёғмой комбинати, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Узбекшахтострой» тресги, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг 12-тресги ва СССР Транспорт қурилиши министрлигининг «Средазтрансстрой»и, Ўрта Осиё темир йўли ва бошқа корхоналарнинг коллективлари юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилишди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг 1973 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарори раҳбарлик ва оғишмай бажариш учун қабул қилинсин.

1973 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммасига юксак социалистик мажбуриятларни олган саноат, қурилиш ва транспорт корхоналари ва ташкилотлари коллективларининг ташаббуси маъқуллансин.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область, шаҳар ва район ижроия комитетлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари саноат, қурилиш, транспорт ходимлари ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги ходимларнинг 1973 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақасини кенг авж олдириш соҳасида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишни кучайтиришлари лозим. Ҳар бир меҳнаткашлар коллективининг, ҳар бир меҳнаткашнинг олинган мажбуриятларни сўзсиз бажаришини таъминлашга эришмоқ зарур.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарорида таъкидлаб ўтилганидек, 1973 йилда социалистик мусобақа «Кам сарф билан кўпроқ, яхши сифатли маҳсулот тайёрлаб берайлик» шиори остида ўтказилиши лозим.

Мусобақадошларнинг бутун куч-ғайрати экономикани ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омили бўлган меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз оширишга, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни takomillashtirishga, ишлаб турган машинаускуналардан тўлароқ фойдаланишга, хом ашё, материал, электр энергия, ёқилғини бутун чоралар билан тежашга ва шу йўл билан пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаришга, белгиланган номенклатура ва ассортиментда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш юзасидан берилган топшириқларни сўзсиз бажаришга, қишлоқ хўжалиги заказларини муддатидан илгари бажаришга, фан ва техника ютуқларини жорий қилишга, маҳсулотнинг сифатини яхшилашга, қурилиш муддатларини қисқартиришга, ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга тушириб, ўзлаштиришга, маҳсулотнинг таннархини камайтиришга, барча тармоқлардаги корхоналарда халқ истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг хилларини кенгайтириш ва сифатини яхшилашга сафарбар қилиниши лозим.

Белгилаб қўйилсинки, 1973 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари тўла ва ошириб бажаришда энг яхши кўрсаткичларга эришган Қорақалпоғистон АССР, область, шаҳар ва районлар, министрликлар, идоралар, корхона, қурилиш ва ташкилотларнинг коллективлари республика социалистик мусобақасида ғолиб чиққан деб ҳисобланади.

Саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигидаги бошқа тармоқлар ходимларини — 1973 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари тўла ва ошириб бажариш учун республика социалистик мусобақасида ғолиб чиққан корхона, қурилиш ва ташкилотларнинг коллективларини мукофотлаш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 92 та Қизил байроғи ва 135 минг сўмгача бўлган миқдорда пул мукофотлари таъсис этилсин.

Тежалган хом ашё ва материаллар ҳисобига пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқарилган тақдирда мукофот миқдори 25 процентгача кўпайтирилади.

Ўзбекистон касаба союзлари республика советига мазкур Қизил байроқларни ишчилар ва хизматчиларнинг миқдорини эътиборга олиб, республика министрликлари ва идоралари ўртасида тақсимлаш тўғрисида таклиф киритиш топширилсин.

Барча корхоналар ва қурилишларнинг 1973 йилги халқ хўжалик планларини муваффақиятли бажаришлари учун социалистик мусобақада ғолиб чиққан республика, Қорақалпоғистон АССР ишлаб чиқариш министрликлари (идоралари)ни, область, шаҳар ва районларни мукофотлаш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 53 та Қизил байроғи, шу жумладан министрликлар (идоралар) учун 6 та, Қорақалпоғистон АССР ва областлар учун 5 та ҳамда Ўзбекистон шаҳарлари ва районлари учун 42 та Қизил байроқ таъсис этилсин.

Корхоналар, қурилишлар ва ташкилотлар ўртасида республика социалистик мусобақаси якунларини ҳар кварталда тўплаб бориш юзасидан амалдаги тартиб сақлаб қолинсин:

— тармоқ ичида шу мусобақада ғолиб чиққанларга министрликлар (идоралар) ва республика касаба союз комитетларининг 66 та кўчма Қизил байроғи ҳамда 90 минг сўмгача бўлган миқдорда пул мукофотлари берилсин;

— Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг 59 та кўчма Қизил байроғи ҳамда 112 минг сўмгача бўлган миқдорда пул мукофоти берилсин.

Ҳисобот бериладиган квартал якунларини тўплаган вақтда йил бошидан буён ўтган даврда қилинган иш натижалари ҳисобга олинсин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети «Саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг 1973 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарори билан белгиланган тадбирлари раҳбарлик учун қабул қилинсин. Улар:

— ҳар бир тармоқ социалистик мусобақасида юксак меҳнат кўрсаткичларига эришган энг яхши ишчиларни ва бригада аъзоларини мукофотлаш учун Бутуниттифоқ миқёсида бир хил бўлган «1973 йил социалистик мусобақасининг ғолиби» нишонини таъсис этдилар. Бу нишон тегишли министрлик (идора)лар ва касаба союз Марказий Комитетларининг қарори билан берилади. ВЦСПСга нишоннинг нусхасини ва нишон тўғрисидаги низомни тасдиқлашни топширдилар;

— иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, СССР министрликлари ва идораларига касаба союз ва комсомол органлари билан биргаликда 1973 йилда энг юксак натижаларга эришган ва планларни тўла ҳамда ошириб бажаришда шавкатли меҳнат намуналарини кўрсатган ишлаб чиқариш илғорларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш учун тақдим этишга рухсат бердилар;

— Социалистик мусобақа ғолибларини кенг кўламда рағбатлантириш мақсадида 1973 йил учун ишлаб чиқариш министрликларида корхона ва ташкилотлар ходимларига мукофот тўлаш учун кўзда тутилган маблағларнинг миқдорини иш ҳақи умумий фондининг 0.05 процентидан 0.1 процентигача кўпайтирдилар.

Область, шаҳар, район партия комитетларининг касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг энг яхши намуна кўрсатган илғорларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлашга, республиканинг фахрий унвонларини беришга тақдим этишлари учун рухсат берилсин.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг 1973 йилги социалистик мусобақа якунларига қараб энг яхши ишчилар ва бригадаларнинг коллективларини рағбатлантириш учун давлат социал страхованиеси маблағлари ҳисобига Совет Иттифоқи бўйлаб ва чет мамлакатларга саёҳат қилиш учун 7 мингта имтиёзли туристик путевка ажратиб бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг республикадаги зарбдор комсомол қурилишлари учун иккита кўчма Қизил байроқ, социалистик мусобақада энг юксак кўрсаткичларга эришган комсомол-ёшлар коллективларини мукофотлаш учун Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва республика министрликлари (идоралари)нинг 250 та вимпел ва қимматли мукофотларини таъсис этиш ҳақидаги, энг яхши ёш ишчиларни рағбатлантириш учун 200 та имтиёзли туристик путевка ажратиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети энг яхши ёш бинокорларни мукофотлаш учун «Зарбдор қурилишдаги актив иштироки учун» значогини таъсис этсин.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришган ва ёш ўринбосарларни тарбиялашда актив қатнашаётган кадр ишчилар учун кўкракка тақиладиган «Ёшларнинг энг яхши мураббийси» нишонини таъсис этиш топширилсин.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш коллективларида ана шу энг муҳим ҳужжатнинг моҳияти ва аҳамиятини, саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг 1973 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси жуда катта роль ўйнаши кераклигини тушунтириш соҳасида кенг кўламда иш олиб боришлари лозим.

Министрликлар, идоралар, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишчиларнинг ва бригада, участка ҳамда цех коллективларининг олинган социалистик мажбуриятларини бажаришлари учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришни таъминлашлари керак.

Социалистик мусобақани ташкил этишда ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибани кенг жорий қилишга мажбуриятларнинг бажарилишини мунтазам суратда текшириш ва уларнинг якунларини чиқаришга, мусобақа натижаларини таққослаб кўриб ҳаммани улардан хабардор қилишга алоҳида эътибор берилсин.

Ўзбекистон Компартияси область, шаҳар, район комитетларига ҳамда журналлар, республика ва маҳаллий газеталар, радиоэшиттириш ва телевидение редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Кинематография давлат комитетига умумхалқ социалистик мусобақасининг боришини кенг ёритиш, энг юксак миқдор ва сифат кўрсаткичларига эришган ишчиларнинг, бригада, участка, цех, корхона ва қурилишлар коллективларининг тажрибасини системали равишда умумлаштириб кўрсатиш, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг иш усуллари ва методларини чуқур кўрсатиб бериш, чинакам меҳнат қаҳрамонлари тўғрисида ёрқин ва мароқли ҳикоя қилиб бериш топширилсин.

«Правда Востока», «Совет Ўзбекистони», «Ҳақиқати Ўзбекистон» ва «Ленин байроғи» газеталарининг редакцияларига мусобақанинг боришидан ҳаммани яхши хабардор қилмоқ учун етакчи оммавий касблардаги ишчилар, бригада, цех ва корхоналар социалистик мусобақасининг бориши ва натижаларини ўз вақтида мунтазам суратда ёритиш, ҳар кварталнинг якунларига газетанинг махсус сонинг бағишлаш топширилсин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига «Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» газеталари саҳифаларида «Беш йиллик ҳал қилувчи йилининг ёш зарбдорлари «Ҳурмат тахтаси»ни таъсис этиш топширилсин.

Саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар ходимларининг 1973 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун республика социалистик мусобақасида ғолиб чиққан, меҳнатда энг юксак кўрсаткичларга эришган ва илғор тажрибани жорий этиш ҳамда пропаганда қилишга катта ҳисса қўшган ишлаб чиқариш илғорларининг слёти 1974 йилнинг бошларида Тошкент шаҳрида ўтказилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ишчилар, инженерлар, техниклар — саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги барча ходимлар умумхалқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йили бўлган 1973 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантирадилар, ўзларининг бутун куч-ғайратларини, билим ва тажрибаларини кам сарф билан мамлакатга яхши сифатли кўпроқ маҳсулот бериш учун сафарбар қиладилар ва бу билан мамлакатимизнинг экономикасини янада кучли суратда ривожлантириш, совет халқининг фаровонлиги ва маданиятини юксалтириш юзасидан партия белгилаб берган программани амалга оширишга муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси ўртоқ Л. И. Брежнев 12 январда Минскдан Москвага қайтиб келди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва Л. И. Брежневнинг Минск яқинидаги Заславлда Ж. Помпиду билан учрашувида қатнашган бошқа расмий кишилер ҳам қайтиб келишди.

Внуково аэродромида ўртоқ Л. И. Брежневни Г. И. Воронов, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, П. Е. Шелест, Б. Н. Пономарев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, К. Ф. Катушев ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири К. У. Черненко, СССР министрларининг биринчи ўринбосарлари В. В. Кузнецов, Армия генерали С. Л. Соколов, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари кутиб олдилар.

(ТАСС).

А. Н. КОСИГИН ОРЕНБУРГГА КЕЛДИ

ОРЕНБУРГ, 14 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин бугун Оренбургга келди. СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. Э. Димшиц, СССР Министрлари П. С. Непорожний ва С. А. Оруджев А. Н. Косигин билан бирга шу ерга келишди.

КПСС Оренбург область комитетининг биринчи секретари А. В. Коваленко, Оренбург область ижроия комитетининг раиси А. Н. Баландин, Волга бўйи ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник Ю. А. Науменко А. Н. Косигинни ва у билан бирга келган ўртоқларни аэродромда кутиб олдилар.

БАЛИҚЧИЛАР МАЖБУРИЯТИ

Оққўрғон тажриба-намуна балиқ комбинати коллективининг социалистик мажбуриятлари

Оққўрғондаги тажриба-намуна балиқ комбинати ишчилари, балиқчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари юбилей йилида юксак кўрсаткичларга эришдилар. Йиллик план муддатидан илгари 20 декабрда бажарилди. Коллектив балиқ комбинати КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг юбилей фахрий нишони билан тақдирланганлиги тўғрисидаги хабарни зўр қувонч билан кутиб олди.

Балиқ комбинати коллективи тўққизинчи беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида ўз зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олади:

— пландан ташқари 100 центнер миқдорида товар балиқ етиштириш ва товар балиқ овлаш планини 20 декабргача тўла бажариш, маҳсулотни реализация қилиш ҳажми бўйича 25 декабргача бажариш;

— товар маҳсулотнинг таннархини камайтириш ҳисобидан пландагига қараганда 30 минг сўм кўп, жами 830 минг сўм фойда олиш;

— меҳнат унумдорлигини пландагига қараганда яна 2,7 процент ошириш;

— балиқ овланадиган ҳовузларнинг ҳар гектаридан 30 центнердан, пландагига қараганда бир ярим центнер кўп балиқ овланишига эришиш;

— янги техникани жорий этиш ва рационализаторлик таклифларини бажариш ҳисобидан бир йилда шартли 20 минг сўм маблағ тежаш;

— Донецкдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба-намуна балиқ комбинати билан мусобақани давом эттириш.

Комбинат коллективи ўз зиммасига олган мажбуриятларни шараф билан бажариш, тўққизинчи беш йиллик учинчи йили планини муваффақиятли адо этиш ҳамда КПСС XXIV съезди директиваларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун ўзининг бутун куч, билим ва тажрибаларини сарфлайди.

Ушбу мажбуриятлар балиқ комбинати коллективининг умумий йиғилишида муҳокама этиб, қабул қилинган.

ХАЛҚ ЭҲТИЁЖИ УЧУН

Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси коллективининг социалистик мажбуриятлари

«Қизил тонг» тикувчилик фирмаси тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажармоқда. 1972 йилги ишлаб чиқариш программаси муддатидан илгари, 28 декабрда тугалланди. Плandan ташқари чорак миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига ўтказилган социалистик мусобақада юксак кўрсаткичларга эришганлиги учун фирма коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети ва Ўзбекистон Касаба Союзлари республика Советининг дипломи билан мукофотланди.

Фирма коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг умумхалқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йили бўлган 1973 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантириш ҳақидаги даъватини қизғин қувватлаб, ўз зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олади:

— беш йилликнинг учинчи йили планини муддатидан аввал, 28 декабрда бажарамиз, пландан ташқари 500 минг сўмлик маҳсулот реализация қиламиз;

— меҳнат унумдорлигини планда белгиланганига нисбатан бир процент оширамиз;

— 125 минг сўмлик турли газламани тежаб қоламиз;

— 55 та рационализаторлик таклифини жорий этишдан 100 минг сўм маблағни тежаб қоламиз;

— кийим-кечакнинг 125 та янги моделини жорий қиламиз;

— биринчи тақдим этишданоқ топшириладиган маҳсулот миқдорини 92 процентга етказамиз;

— Сирдарё областидаги Ильич номли колхозга оталик ёрдамини берамиз.

Ушбу социалистик мажбуриятлар фирма ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг умумий йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

ҚУРУВЧИЛАР ВАХТАДА

«Главташкентстрой»га қарашли Тошкент 1-уйсозлик комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг социалистик мажбуриятлари

Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатининг кўп минг кишилик коллективи юбилей йилини яхши кўрсаткичлар билан нишонлади. 254 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Қурилиш-монтаж ишларининг таннархи камайтирилди.

Комбинат коллективи 1973 йилда республика пойтахтида йирик панелли уйсозликни сифат жиҳатидан ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга қарор қилиб, ўз зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олади:

— қурилиш-монтаж ишлари плани 25 декабрга бажарилади. Йиллик программага қўшимча равишда 600 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади;

— меҳнат унумдорлиги саноат ва қурилишда планда белгиланганига қараганда 0,1 процент оширилади, қурилиш-монтаж ишлари таннархи 0,2 процент камайтирилади;

— савоатда ва қурилишда «Минск-32» электрон ҳисоблаш машиналари базасида қурилишни ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автомат системалари тўла жорий этилади;

— 1972—73 ўқув йилида 600 киши иқтисодий таълимнинг барча турларига жалб этилади, бригада ва якка ўқитиш йўли билан профессионал маҳорат тинмай ошириб борилади;

— рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобидан камида 500 минг сўм иқтисодий фойда олишга эришилади;

— 3 минг тонна цемент, 200 тонна металл прокати, 100 киловатт-соат электр қуввати тежалади;

— социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондлари ҳисобидан уйсозлик комбинати поселкасида 72 квартирали уй-жой биноси қурилади; уйсозлар маданият саройи 25 апрелгача қуриб, фойдаланишга топширилади. Пионер лагерининг биринчи навбати, спорт комплексининг биринчи навбати қуриб битказилади;

— 15 бригада Н. Злобин методи билан ишлайдиган хўжалик ҳисобидаги бригадаларга айлантирилади;

— биз Олмаота уйсозлик комбинати коллективи билан ва «Главташкентстрой» 4-трести коллективи билан традицион мусобақани давом эттирамиз.

Ушбу социалистик мажбуриятлар комбинат коллективи партия-хўжалик активининг умумий йиғилишида қабул қилинган ва маъқулланган.

ТАРҒИБОТЧИ КАДРЛАР ЎҚУВИ

Коммунистик партия сиёсий тарғиботчилик ишларига тобора катта талаблар қўймоқда. КПСС XXIV съезди ҳужжатларида унинг ўсиб бораётган роли алоҳида таъкидлаб ўтилган. Сиёсий тарғиботчилик ишларининг энг асосий мақсади партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини, хўжалик ва маданий қурилиш планларини халққа ишончли ва таъсирчан қилиб тушунтириш, совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашга ёрдам беришдан иборат. Тўққизинчи бешйилликнинг топшириқларини муваффақиятли адо этиш, партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашга меҳнаткашларни сафарбар қилишда сиёсий агитациянинг роли айниқса каттадир.

Ҳозирги вақтда сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар активлик кўрсатиб ишламоқдалар. Улар СССР ташкил топгандан буён ўтган ярим аср мобайнида бутун мамлакат, республика, область, совет халқи қўлга киритган ажойиб ютуқлар ҳақида меҳнаткашларга маърузалар ҳикоя қилиб бермоқдалар, ҳар бир коллектив олдида турган янги вазифаларни ҳал этишга — тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили план ва топшириқларини адо этиш учун социалистик мусобақани татбиқ ҳам авж олдиришга даъват қилмоқдалар.

Сиёсий фронт жангчилари шу кунларда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топганлигининг 50 йиллиги тўғрисида» докладини, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг юбилейга бағишланган тантанали мажлиси ҳужжатларини, шунингдек, партия Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг саноат, қурилиш, транспорт ва қишлоқ хўжалик ходимлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорларини кенг оммага тушунтириш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар.

Сиёсий агитация кўлами кенгайганлиги, замон бу соҳада янги-янги талабларни ўртага қўяётганлиги туфайли партия ташкилотлари оммавий-ташвиқотчилик ишларининг форма ва методларини ҳар томонлама ривожлантиришлари ҳамда такомиллаштириб боришлари, унинг самарали бўлишига эришмоқлари зарур. Бу ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан тарғиботчи кадрларни танлаш, ўқитиш ва тарбиялашга боғлиқ. Кўпчилик партия ташкилотлари бу масалага кейинги йилларда эътиборни анча кучайтирдилар. сиёсий агитация билан шуғулланувчи ишчилар состави бирмунча яхшиланди. Ҳозирги вақтда областда 65 мингдан ортиқ сиёсий ахборотчи, агитатор ва сиёсий ташкилотчи иш олиб бормоқда. Партия ташкилотлари тарбиявий-оммавий ишларга раҳбар ходимлар ва халқ хўжалигининг мутахассисларини ҳам кенг жалб этабошладилар. Бу ишда КПСС Марказий Комитетининг «Череповецк металлургия заводи раҳбар ва инженер-техник ходимларининг коллектив аъзоларини голвий-сиёсий тарбиялашдаги иштироки тўғрисида» қарори ижобий роль ўйнамоқда. 3523 корхона, муассаса, колхоз ва совхоз раҳбари, 25 мингдан ортиқ инженер-техник ходим ва қишлоқ хўжалик мутахассиси сиёсий ахборотчи, агитатор ва сиёсий ташкилотчидир.

КПСС XXIV съезди партия ташкилотлари зиммасига кадрларнинг марксча-ленинча ўқувини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш вазифасини юклади. Бу талаб тарғиботчи кадрларга ҳам тўла тааллуқлидир. Чунки, олиб борилаётган сиёсий агитация самараси энг аввало уларнинг назарий тайёргарлиги ва методик маҳоратига боғлиқдир. Шуни ҳисобга олиб партия ташкилотлари тарғиботчи кадрлар ўқувига катта эътибор бермоқдалар.

1971—1972 ўқув йилида область бўйича агитатор ва сиёсий ташкилотчилар учун 552 мактаб, сиёсий ахборотчилар учун 116 та доимий семинар иш олиб борди. Бундан ташқари мунтазам равишда инструктив семинар ва кенгашлар ўтказилиб турди.

Тошкент, Чирчиқ, Бекобод, Ангрен шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ, Калинин, Оржоникидзе районларидаги кўпгина партия ташкилотлари тарғиботчи кадрлар ўқувига катта эътибор бермоқдалар. Кадрларни ўқитиш практикаси тиймай бойиб бормоқда ва такомиллашмоқда. Ўқув конкрет шарт-шароит ва имкониятларга мослаштирилмоқда.

Партия маорифи ва иқтисодий таълим системасида ўқув машғулотлари давом этмоқда. Сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, сиёсий ташкилотчиларнинг кўпчилиги семинарлар ва мактабларнинг тингловчиларидир. Улар ана шу мактаб ва семинарларда марксча-ленинча назарияни эгалламоқдалар, иқтисодий тараққиёт қонунлари ҳақидаги билимларни, ҳаёт ҳодисаларига тўғри баҳо бериш ва ундан аниқ амалий хулосалар чиқариш йўлларини ўрганмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни яхшилаш тўғрисида» қароридан кейин иқтисодий билимларни эгаллашга бўлган қизиқиш ҳам анча ортди.

Шулар билан бир қаторда партия ташкилотлари оммавий-сиёсий ишлар билан шуғулланадиган кадрларнинг методик тайёргарлигини яхшилашга эътиборни кучайтиришлари зарур. Мана шу мақсадда сиёсий ахборотчилар, агитаторлар ва сиёсий ташкилотчилар учун доимий семинарлар ташкил этиш, бу семинарларнинг муваффақиятли ишлаб туришини таъминлаш керак. Фикримизча, бошланғич партия ташкилотлари агитатор ва сиёсий ташкилотчилар учун ойига бир-икки марта инструктаж-семинар ўтказсалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Корхоналар, муассасалар, совхоз ва колхозларнинг партия комитетлари эса сиёсий ахборотчилар ва агитколлективларнинг раҳбарлари учун камида ойига бир марта соҳалар бўйича (масалан, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт ва халқаро аҳволга доир) семинарлар ташкил этишлари лозим. Шунингдек, шаҳар ва район партия комитетлари сиёсий ахборотчилар группаларининг раҳбарлари учун соҳалар бўйича ойига бир-икки марта семинар ўтказиб туришса, яхши бўлади.

Шаҳар ва район партия комитетлари сиёсий ахборотчилар, агитаторлар ва сиёсий ташкилотчилар учун семинар ва инструктажлар ўтказишда партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам беришлари керак.

Машғулотларни лекциялар ва семинарлар тарзида ўтказиш, тингловчиларни оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш методикаси билан таништириш, сиёсий агитация формаларининг ўзига хос хусусиятларини чуқур очиб бериш керак. Шунингдек семинар тингловчиларига муҳим масалалар ҳақида ахборот бериш, уларни зарур маълумотлар ва фактлар билан таъминлаш талаб этилади. Бу соҳада «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарида ҳар ойнинг бошларида сиёсий ахборотчилар, агитатор ва сиёсий ташкилотчиларга ёрдам тариқасида мунтазам равишда эълон қилинаётган тавсиялар катта ёрдам беради.

Семинарларда ўзаро иш тажрибаларини алмашинишга алоҳида эътибор бериш керак. Атеист-агитатор ва жиҳозловчи-рассомларнинг ўқуви мактабларда Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими тавсия этган ўқув плани асосида («Ўзбекистон агитатори» журнали, 1972 йил, 22-сон, 23—25-бетлар) олиб борилиши зарур.

Сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар тайёргарлигини оширишда оммавий-сиёсий ишлар советлари, сиёсий маориф кабинетлари кўп иш қилишлари мумкин. Улар йўл-йўлакай ёрдам бериш билан кифояланиб қолмай, тарғиботчи кадрларнинг доимий ўқувини ташкил этишлари, методик қўлланмалар ишлаб чиқаришлари, адабиётлар рўйхатини тузишлари ва бошқа кўпгина ишларни бажаришлари керак.

Тарғиботчи кадрлар ўқуви идеология ишининг муҳим соҳаларидан биридир. Бу соҳа партия ташкилотларининг ҳамиша диққат-эътиборида бўлиши лозим.

И. СРИБНИЙ,
Тошкент область партия комитетининг инструктори.

ТОШКЕНТ трактор заводида А. Девятованинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, зарбдорчасига ишлаётган илғорлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Суратда: «Бешйилликни—тўрт йилда бажарамиз» шнори остида меҳнат қилиб, нормасини 120 процентга етказиб адо этаётган илғор ингувчи-слесарь Александр Шпиноев.
А. ГОРОКРИК фотоси. ЎзТАГ.

БИНОКОРЛАР МИНБАРИ

Тошкент шаҳар партия комитети ва «Главташкентстрой» газетаси «Тошкент бинокори»нинг мингинчи сони босмадан чиқди. Газета 1966 йилнинг 1 июнидан бошлаб чиқа бошлаган эди. Ўша дамларда барча куч ва имконият зилзиладан зарар кўрган пойтахтни тубдан қайта тиклашга, совет шарқида кўзкўз қилса арзийдиган замонавий шаҳар бунёд этишга қаратилган эди.

Янги Тошкент қурилиши учун бошлаган мусобақани кенг қулоч ёйдириш, илғор бинокорлар тажрибасини оммалаштириш, қурилишларни индустриаллаштириш ва бинокорлик техникасидан оқилона фойдаланиш ўша долзарб кунларнинг жанговар шиори эди. Бу масалалар «Тошкент бинокори» газетасида ёритиб борилди.

Зилзилага қадар шаҳримизда турар-жой фонди, 6,6 миллион квадрат метрни ташкил этган ҳолда, мавжуд биноларнинг 65 проценти бир қаватли эски иморатлар эди. Уларнинг кўпчилиги зилзила туфайли фойдаланишга мутлақо яроқсиз бўлиб қолди. Тошкент ва иттифоқ бинокорлари бу пахса деворли пастак иморатлар ўрнида кўп қаватли гиштин бинолар қуришга ва бошқанасиз қолган оилаларни қисқа вақт ичида янги турар-жойлар билан таъминлашга бел боғладилар.

Ўша йиллар қурилишлар қулочи шаҳримизда соат сайин кенгайиб борди. Бинокорлар тез ва соз қуриш йўлида ўз билим ва тажриба л а р и н и аямадилар. Коллективлар ўртасида бошланган социалистик мусобақа ўз самараларини бера бошлади. Зилзила бўлган йилнинг ўзидаёқ нема минглаб оилалар янгидан бунёд этилган кўп қаватли шинам уйларга кўчиб ўтдилар. Мана, ҳозир шаҳримизда қурилган уй-жойлар сатхи 9 миллион квадрат метрдан ошиб кетган. Пойтахтимиз майдони эса 23 минг гектарни ташкил этмоқда.

Янги Тошкент қурилишида бутун мамлакат иштирок этди. Қардошларимиз кучи билан 1 миллион 16 минг квадрат метр турар-жой, 15 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, 28 та болалар боғча ва яслиси, кўплаб маданий-маиший бинолар қуриб берилди. Қурилишлар давомида туғилган ҳар бир янгилик газета саҳифасидан муносиб ўрин олиб борди. Доимий қурувчилар ва механизаторлар ўз тажрибалари ҳақида хамкасблари билан газета орқали ўртоқлашиб бордилар. Партия ташкилотлари газета материаллари асосида неча бор муҳим қарорлар қабул қилишди.

Ҳозир ҳам газетамиз кўпминг кишилик бинокорлар армиясининг яқин маслаҳатчиси ва ёрдамчиси бўлиб келмоқда. Редакция ҳузурида ташкил этилган штатсиз бўлимларни доимдор бинокорлар, бинокор олимлар ва инженерлар бошқаришмоқда. Юзлаб штатсиз активлар газетани янада ўқимишли ва мазмунли қилишда коллективимизга яқиндан кўмаклашмоқдалар .Улар кучи ва ташаббуси билан тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш юзасидан бошланган мусобақа самараси, илғорлар тажрибаси, фан ва техника ютуқлари газетамиз саҳифасидан муносиб ўрин олиб келмоқда.

Ш. ҚОСИМОВ,
«Тошкент бинокори» газетасининг редактори.

БИР КОРХОНА ЯНГИЛИКЛАРИ

ЙИЛ БОШИДАН ЮҚОРИ СУРЪАТ

Ҳикмат Усмонов бошлиқ 3-цех коллективи 2-тўқув фабрикасидагина эмас, балки бутун тўқимачилик комбинатида илғор коллективлардан бири ҳисобланади. Улар 1972 йил планини муддатидан тўрт кун олдин бажариб, пландан ташқари юз минг метр газлама ишлаб чиқаришди.

Аҳил коллектив тўққизинчи бешйилликнинг ҳал қилувчи — учинчи йили меҳнат вахтасини ҳам зўр кўтаринки руҳ билан бошлади. Янги йилнинг биринчи меҳнат кунида план 104 процентга етказиб бажарилди. Бунда айниқса В. Агутин бошлиқ комплект аъзолари фидокорона меҳнат қилишди. Улар бир сменада пландаги 925 ўрнига 1055 метр сурп ишлаб чиқарди. Коллектив орасида 1973 йил топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун оширилган шахсий мажбурият олиб ишлаётганлар анчагина. Жумладан, М. Ҳасанова, О. Музалева, Г. Шокирова каби пешқадам тўқувчилар пландан ташқари бирнеча минг метрлаб газлама ишлаб чиқаришга аҳд қилишди. Шу кунгача улар ҳисобидаги пландан ташқари маҳсулот 500-600 метрни ташкил қилади.

КОМБИНАТГА ФАХРЛИ ДИПЛОМ

Тошкент тўқимачилик комбинати Ўрта Осиёда, қолаверса мамлакатимизда энг йирик саноат корхоналаридан бир ҳисобланади. Комбинат номи чет элларда ҳам маълум. Африка мамлакатлари, Ҳиндистон, Покистон, каби йирик давлатлардан 20 дан ортиги Тошкент газламасини харид қилади. Шундай бўлгач, табиий, Ўзбекистонга ташриф буюрган чет эллик туристларнинг кўпчилиги албатта тўқимачилик комбинатида ҳам бўлишади. Корхонада эса уларни қабул қилиш ва намунали хизмат этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Комбинат аҳли чет эллик туристларни қабул қилишдаги актив ва самарали ишлари эътибордан четда қолмади. Комбинатга чет эл туризми бўйича СССР Бош бошқармасининг Фахрий дипломи топширилди.

САФАРДАН ҚАЙТИШДИ

Тўқимачилар маданият саройи ҳузуридаги ўзбек рақс ансамбли талантли ҳаваскор хонанда ва созандаларига эга. Бу коллектив республика ва Бутуниттифоқ конкурсларида муваффақиятли иштирок этиб келяпти. Куни кеча ўзбек рақс ансамблининг икки аъзоси Чехословакия сафаридан қайтиб келди. Дончачи Зуҳриддин Муҳиддинов ва раққоса Адолат Обидовалар Чехословакия бўйлаб 3400 километр масофа босишди. Улар барча қардош республикалар бадиий ҳаваскорларидан ташкил топган 47 кишилик гастроль группаси составида қатнашдилар.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲУЖЖАТЛАРНИ АЛМАШТИРИШГА ДОИР.

КОММУНИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Пётр Степанович партком мажлислари протоколини олдимизга қўйди.

— Кейинги мажлисда биз коммунистлардан, бичув цехи мастери В. Тишченко билан қозон цехи қозончиси М. Шантин ўртоқларнинг ҳисоботини тингларган эдик, — деди у. — Бу тадбирга коммунистлар билан суҳбатлашишнинг янгича бир формаси деб қараса ҳам бўлади.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик қизғин давом этаётган дамларда сиз ўз эътиборингизни нималарга қаратаяпсиз? Коллектив ва оилада ўзингизни қандай тутаяпсиз? Шу саволлар билан уларга мурожаат қилдик.

В. Тишченко кўп йиллардан бери бичув цехида мастер бўлиб ишлаб келаяпти. У раҳбарлик қилаётган участка коллективи СССРнинг 50 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятини муваффақиятли бажармоқда. В. Тишченко ишлаб чиқаришга моҳирона раҳбарлик қилиш билан бирга партия топшириқларини ҳам сидқидилдан адо этаяпти. У пропагандист сифатида иқтисодий билимларни ишчилар орасига кенг тарғиб қилмоқда. Жамоатчи коммунист партком мажлисида мана шулар ҳақида гапириб берди.

Қозончи М. Шантин эса В. Тишченконинг акси бўлиб чиқди. У кейинги пайтларда ичкиликка берилиб, босар-тусарини билмай қолди. Дўстларининг даккиси ҳам, цех партбюросидаги аччиқ гаплар ҳам унга кор қилмади. Шундан кейин завод партия комитети мажлисида Шантин билан суҳбатлашишга қарор қилинди.

Партком аъзоларининг саволлари жуда ҳам ўринли бўлди: хўш, завод коллективи эришаётган ютуқларга коммунист М. Шантин қандай шахсий ҳисса қўшаяпти? Уз малакаси, билим ва маҳоратини ошириш устида қайғураяптими? Коммунист сифатида қандай партия топшириқларини бажараяпти?

Шантин нима дейишини билмай қолди. Ўйлаб қараса, ўзини мақтаб гапиришга арзийдиган бирорта ҳам асоси йўқ экан. Ҳаммаси шу ичкиликдан бўлди. Илгарилари биноларда, мукофотлар ҳам оларди. Ичкиликка ружу қилгандан бери хонадонидан файз-барака кўтарилди, обрў-эътибордан айрилди. Йиғилишларда унинг номини доимо қолоқлар сафига қўшиб ўқийдиган бўлишди. Мана, энди бу ерда ҳам охирги стулда шумшайиб ўтирибди.

— Тишченкодан менинг қаерим кам? — ўйларди у шу дамда. — Заводга бир вақтда ишга кирган эдик. Бирга ҳунар ўргандик, катта бўлдик, партияга кирдик. Бугун эса иккаламиз икки ҳил одам бўлиб турибмиз. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Дўстлар танқидига қулоқ солмадим.

Партком мажлисида самимий, юракдан суҳбат бўлди. Кекса коммунистлар Шантиннинг хулқ-атворидаги нуқсонларни очиқ-ойдин, отадек афсус чекиб гапиришди. Сени партиядан чиқарамиз ёки ишдан ҳайдаймиз, деб дўқ-пўписа қилишгани йўқ улар. Аксинча, Шантиннинг ишлаб чиқаришда тутган муҳим ўрни ҳақида гапиришди. Корхона организмидаги муҳим бир винтсан, умумий юксалишимиз сенга ўхшаган коммунистларнинг баракали меҳнатига ва активлигига боғлиқ дейишди. Шунда Шантиннинг кўзларида ёш қалқиб кетди. Кўпчилик ўртасида ҳали ҳам ўз ўрни борлигини ҳис этди.

— Суҳбатдан сўнг Шантин ўзини қўлга олди, — дейди партком секретари Пётр Степанович Давиденко. — Ишига барака кирди, ҳамма қатори жамоат топшириқларини ҳам бажара бошлади. Газета ва журналларга обуна қилиш даврида у «Союзпечать»нинг жамоатчи инструкторларига катта ёрдам берди.

«Ўзбекхиммаш» заводи партия ташкилоти ҳисобида ҳозир 380 коммунист бор. Улардан 45 киши билан суҳбатлашиш лозим, деб топилди. Суҳбатлаш давомида одамлар қайта тарбияланяпти, меҳнатга ижодий ёндошадиган, ишлаб чиқариш билан бир қаторда жамоат топшириқларини ҳам актив бажарадиган бўлишаяпти.

Заводда партия ҳужжатларини алмаштиришга ҳозирлик қизғин давом этмоқда. Барча коммунистларнинг ҳужжатлари бир сидра ҳисоб карточкалари билан солиштириб чиқилди. Тегишли ўзгартишлар тўла киритиб бўлинди. Бўлиб ўтаётган семинарларда эса ҳужжатларни алмаштиришга тайёргарлик давомида секретарлар бажариши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинмоқда.

— Бошқа саноат корхоналарида ҳам коммунистлар билан суҳбатлар қизғин давом этмоқда, — дейди Чирчиқ шаҳар партия комитети ташкилий бўлим мудири Дорохина. — Бу соҳада айниқса электрохимия комбинатида амалга ошираётган тадбирлар бизни мамнун этмоқда. Комбинатга ҳар бир цех партия ташкилоти партбюро ёки парткомда суҳбатлашиш лозим бўлган коммунистлар рўйхатини олдиндан тузиб чиқан. Баъзи бир коммунистлар билан эса шаҳар партия комитетида суҳбатлашиш мақсадга мувофиқ деб топилмоқда. Суҳбатлашишга тавсия этилган коммунистлар рўйхати қўлимизда турибди.

Шаҳар партия комитети секретарлари ва бюро аъзолари улар билан навбатма-навбат суҳбат ўтказмоқдалар. Суҳбатлар самарали натижа бермоқда.

Ж. НОСИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ СИЁСАТИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЗАРУР

БОНН, 15 январь. (ТАСС). Ғарбий Германиянинг кўзга кўринган жамоат арбоби, нацизм даврида таъқиб қилинган кишилар бирлашмасининг — антифашистлар иттифоқининг раиси И. Россэн «Ди тат» газетасида босилган мақоласида ўқтириб ўтдики, кескинликни юмшатиш сиёсати Германия Федератив Республикасининг Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси билан шартномалар тузишига, Ғарбий Берлинга доир тўрт томонлама битим тузилишига, шунингдек Германия Федератив Республикаси билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг асослари тўғрисида шартнома тузилишига олиб келди, бу сиёсатни давом эттириш зарур.

Европада кескинликни юмшатиш ва хавфсизлик учун изчиллик билан олиб борилган қаттиқ курашнинг натижасида вужудга келган мана шу халқаро битимларнинг ҳаммаси, дейилади шу мақолада, Европа қитъасидаги «сиёсий вазият сифат жиҳатидан ўзгарганлигидан далолат бериб турибди .

И. Россэн сўнгра уқтириб ўтадики, бултур ноябрда Бундестагга муддатидан олдин ўтказилган сайловда Германия Федератив Республикаси аҳолисининг аксарияти Брандт-Шеель ҳукуматининг ташқи сиёсатини тўла равишда қўллаб-қувватлади. «Реалликларни тан олиш»дан иборат бўлган бу сиёсат айни вақтда тинчлик манфаатлари йўлида яна куч ва ғайрат сарфламоқ учун янги имкониятлар яратиб бермоқда.

ҚАРДОШЛАРЧА БИРДАМЛИК НАМУНАСИ

ГАВАНА. (ТАСС). Куба жамоатчилиги яқинда СССР билан Куба Республикаси ўртасида имзоланган битимларни «қардошларча бирдамлик ва пролетар интернационализми намунаси» деб атамоқда. Куба меҳнаткашларининг «Боэмиа» журналида эълон қилинган кўп фикр-мулоҳазаларида қардошларча ва беғараз ёрдами учун КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига ва совет халқига чуқур ташаккур ва самимий миннатдорчилик изҳор қилинган.

«Гавана Либре» қанд-шакар заводи ишчилари таъкидлаб ўтганидек Совет-Куба битимлари экономикамизни ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Бизнинг фидокорона меҳнатимиз Ленин ватани Кубага бераётган ёрдамга жавоб бўлади».

Гавана университети тарих факультетининг ўқитувчиси Берта Альварес қуйидагиларни айтди:

«Совет Иттифоқи билан имзоланган битимлар социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар чинакам интернационал муносабатлар эканлигини исбот қилади. Бу битимлар социализм ривожланиб бораётган мамлакатларнинг қолоқликка барҳам бериб, гоят тараққий этган адолатли жамиятни барпо қилишлари учун бирдан бир тўғри йўл эканлигини ҳам кўрсатиб турибди.

Берта Альварес қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Куба ўтмишда АҚШ билан тузишга мажбур бўлган шартномалар Кубани иқтисодий жиҳатдан қолоқ ва қарам мамлакатга айлантирган эди.

ИҒВОЛАР ФОШ ЭТИЛМОҚДА

Умумевропа кенгашини чақириш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилаётган ҳозирги кунларда айрим мамлакатлардаги реакцион кучлар Кенгаш чақиришга тўсқинлик қилиш мақсадида социалистик мамлакатларга нисбатан турли иғволарни уюштирмоқдалар.

Яқинда Давлат мудофаа министри Гилмур умумпалатада сўзга чиқиб, гўё Шимолий Ирландияда реактив қуроллар пайдо бўлди, бу қуроллар Варшава шартномасига кирган мамлакатлардаги реактив қуроллардан фарқ қилмайди, деди. Бу хабарни Буюк Британиядаги консерваторларга қарашли матбуот ҳар томонлама бўрттириб кўрсатди. Берилган хабар советларга қарши туҳмат лар билан тўлиб-тошган эди.

Англия империалистларига бундай иғво билан шуғулланиш нима учун керак бўлиб қолди, деган савол туғилади. Ўз гражданлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, мардона ҳаракат қилаётган Шимолий Ирландия аҳолиси кўпдан бери жиддий кураш олиб бормоқда. Англия империалистлари турли баҳона ва иғволар ёрдами билан Шимолий Ирландияни бўғиб ташлаш, ундаги прогрессив кучларни йўқ қилишга уринмоқда.

Ҳар хил совуқ гапларни ўйлаб топишда Британия парламентининг аъзоси Уолл жанобларининг ҳарбийлар томонидан маъқулланди. Бундай планлардан руҳланган Британия Ташқи ишлар министри Дуглас Хьюм СССР билан Европа хавфсизлиги кенгаши юзасидан музокаралар юритиш лозим, лекин айни чоғда ҳарбий кучларимизни ҳам кўрсатиб қўйишимиз керак, деган фикрни билдирди.

Европада янги урушларни чиқариш орзусида юрган империалистлар хилма-хил бўҳтонлар тўқимоқдалар. Яқинда матбуотда Норвегиянинг Согне Фьорд қўлтиғида «душман»нинг сув ости кемаси пайдо бўлди, деган хабар пайдо бўлди.

НАТО штаби бу хабарни дарҳол ҳамма ёққа бўрттириб тарқатди. Дания матбуоти унинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини фош қилиб ташлади. Согне Фьорд қўлтигига кирган атом сув ости кемаси аслида Англия ҳарбийларига қарашли кема бўлиб чиқди. Олдиндан планлаштирилган бу иғво Европада уруш вахимасини туғдириш учун жўртага ўйланганлиги ва айрим мамлакатларнинг обрўсига қарши қаратилганлиги равшан бўлиб қолди.

Бундай иғволардан мақсад— Европа кенгаши чақирилиши олдидан мамлакатлар ўртасига низо солишдан иборатдир. Империалистик кучлар қандай усуллар билан сувни лойқатишга уринмасинлар халқларнинг эрки ва хоҳишига қарши чиқолмайдилар, мустаҳкам тинчлик учун қураш йўлидаги ҳаракатни бўғолмайдилар.

А. ОМИЛОВ,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

ИТАЛИЯДА УМУМИЙ ЗАБАСТОВКА

РИМ. ТАСС мухбири Ю. Лопатин хабар беради:

Италиянинг ҳамма қисмида умумий забастовка кенг тус олиб, гоят уюшқоқлик билан ўтди. Бу забастовкани мамлакатдаги энг йирик касаба союз бирлашмалари эълон қилган эди. Италия умуммеҳнат конфедерациясининг маълумотларига қараганда, саноатда қишлоқ хўжалигида, маориф ва соғлиқни сақлаш системаларида, транспортда хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган 20 миллионга яқин киши забастовкада қатнашган.

Рим, Неаполь, Милан, Генуяда, Италиянинг неча ўнлаб бошқа катта ва кичик шаҳарларида ҳамда аҳоли яшайдиган пунктларида оммавий намойиш ва митинглар бўлди. Бу намойиш ва митингларнинг қатнашчилари ҳукуматдан ҳозирги иқтисодий кризисни бартараф қилишга, мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан орқада қолган жанубий районларини тез ривожлантириш ва бошқа конкрет тадбирлар кўришни талаб қилдилар.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ. Халқ озодлик Қуролли кучлари ватанпарварлари кучли ракета-артиллерия отишмасидан сўнг Марказий Платода душман позициясига қарши ҳужумга ўтдилар.
ВИА—ТАСС фотоси.

Оила мактаб тарбия

ЭЪТИҚОД ҲИССИ

ТАРБИЯ воситаси кишига фақат четдан бўладиган таъсирдангина иборат эмас. Қобилиятнинг ўсиши, билимли бўлиш ва ахлоқий поклик кишини камолотга етказади.

Тўғриси ҳам шу! Киши ўзига-ўзи ҳисоб бериши, жамиятда тутган ўрнини англаб етиши даркор. Грек файласуфи Демокрит айтганидек, инсон ўз бурчини онгли равишда тушуниб етгач, шу бурчига мувофиқ ҳаракат қилиши зарур.

Бинобарин, шахснинг камол топиши тарбия ва ижтимоий ҳаёт таъсири остида содир бўлади. Бунда тарбиячининг роли бениҳоя катта. У болаларнинг онгига, ҳиссиёга таъсир ўтказади, шу йўл билан уларда ижобий ахлоқий сифатлар таркиб топдиради, улардаги ёмон хулқ-одатларни йўқотади. Англаб олинган қўникма ва ахлоқий нормалар ёшларнинг эътиқодига айланади.

Ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиш ғоят фахрли иш. Аммо, баъзан биз педагоглар тарбиянинг муҳим томонларини унутиб қўямиз. Болаларни меҳнатга амалий жиҳатдан тайёрлашни олдимизга мақсад қилиб қўйилди дейлик. Бунда, турган гап, уларнинг ким бўлиб ўсиши диққат марказимизда бўлади. Шу мақсадда турли фойдали касбларга нисбатан болаларда қизиқиш уйғотамиз. Донгдор кишилар билан учрашувлар ўтказамиз ва ҳоказолар.

Тўғри, «буларнинг ҳаммаси муҳим, зарур. Бироқ, ахлоқий масаланинг бошқа бир томони келажак жамият одами қандай бўлиши керак, деган масала ўқитувчи ёки синф раҳбарининг эътиборидан четда қолади. Демоқчимизки, ўқувчилар бажариладиган турли хил меҳнат ишларини фақат зарур бир нарса дебгина қолмай, балки юксак ахлоқий бурч деб ҳам қарайдиган бўлсинлар!

Ўқитувчилар кимларнинг яхши, кимларнинг ёмон ўқишларини яхши биладилар. Бироқ, «ўртача болалар» ҳам борки, улар на ўқишда, на жамоат ишларида ўзларини кўрсатадилар. **Сир эмаски, ахлоқида камчилик бўлган кишилар худди бундай ўқувчилар орасидан етишиб чиқадилар. Афсуски, «ўртача болалар» кўп ҳолларда тегишли тарбиявий таъсирдан четда қоладилар. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчи билан, унинг фикр-ўйлари билан яқиндан таниш бўлишга эришмоғи даркор.**

Мактаб ёш авлодни ҳаётга тайёрлайди. Бу — кўп қиррали вазифа. Ўқитувчи пухта билим бериш билан бирга ўқувчини ўз маънавий қиёфаси, муомала тарзи, намунали хатти-ҳаракати билан ҳам тарбияламоғи керак.

А. РИСБАКОВ,
Калинин районидаги 20-мактаб директори.

ФАРЗАНД ВА ОБРЎ

Ўз фарзандинг олдида ҳурмат ва ишончга сазовор бўлишга нима етсин! Аммо, обрў қозониш ўз-ўзидан бўлмайди.

Шундай воқеалар ҳам бўлади. Болалар ота-онадан «қўрққани» учун улар олдида бир-бирлари билан гаплашишга журъат этолмайдилар. Аслида эса ўша мураббий бундай «обрў»ни қаттиқ қўллик, бақириб-чақириш ёки жазо бериш йўли билан қўлга киритган бўлади.

Болаларга кўчли таъсир кўрсатиш маҳоратини эгаллаган ота-оналар эса ҳақиқий обрў, иззат-ҳурмат қозонадилар.

Боланинг иззат-нафсини ҳурмат қилиш обрў қозонишнинг муҳим шарти эканлигини доим эсда тутмоғимиз лозим. Маълумки, кўпчилик болалар масхара қилиб айтилган гаплардан тезда ҳафа бўладилар. Уларнинг кўнгли совийди. Истеҳзоли гаплар уларнинг хотирасида узоқ сақланиб қолади.

Адолатли бўлиш эса обрў келтиради. Адолатли ота-она, гарчи қаттиққўл бўлса-да, фарзандлари ҳурмат қиладилар.

Болани ёшликдан ота-онанинг айтганларини бажаришга одатлантиришда гап кўп. Ҳақиқий обрў худди шу нарсада ўз ифодасини топади. Бироқ, болани бунга кўниктириш шунчаки осон иш эмас. Бунинг учун кунт-чидам керак. Осойишталик ва вазминлик билан мақсадга эришилади. К. Д. Ушинский: «Ақл-идрок, сабр-бардош ва осойишталик — ота-онанинг истеъдоди» деб бежиз айтмаган.

Ота-оналар ўз фарзандлари олдида обрў қозонишни истасалар, доим адолатли, ўз сўзига садоқатли бўлсинлар, ваъдасининг устидан чиқсинлар. Булар, шубҳасиз сиз ҳурматли ота-оналарнинг ўзингизга боғлиқ. Шундай эмасми?!

М. РАШИДОВ,
Тошкентдаги 239-мактабнинг илмий бўлими мудири.

ТАРБИЯЧИ, МУРАББИЙ

Ўқитувчи ҳамма ерда тарбиячи ва мураббий, Шарафли касб шуни тақозо қилади. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Х. Зуннунов хам, моҳир тил ва адабиёт ўқитувчиси Н. Қурбонов ҳам, педагог С. Тоҳиров ҳам ўз касбларини эъзозлайдилар. Суратда: (ўнгдан) Х. Зуннунов, Н. Қурбонов ва С. Тоҳировлар педагогик темада ўзаро фикр алмашмоқдалар.

Н. Аъзамов фотоси.

БОЛА ЁШЛИГИДАН ЧИНИҚИШИ КЕРАК

Ота-она ўз фарзандининг тетик ва соғлом бўлиб ўсишини истайди. Бу, албатта боланинг жисмоний тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Аммо, ота-оналарининг ҳаммаси ҳам ўғил-қизларини жисмоний жиҳатдан тўғри тарбиялаш йўлларини яхши биладиларми? Йўқ, албатта. Айримлар боланинг соғлом ўсиши учун, яъни яхши овқатлантириш ҳамда шамоллашдан сақлашнинг ўзи кифоя қилади деб ўйлайдилар. Албатта, бу бир томондан тўғри ҳам. Бироқ жисмоний тарбия фақат шунинг ўзигина эмас.

Баъзи ота-оналар эса, боланинг жисмоний жиҳатдан яхши ўсмаслигини наслга боғлайдилар. Бу тамомила нотўғри. Бу ерда ирсий сабаблар бўлиши мумкин эмас. Боланинг яхши ўсмаслиги нотўғри овқатланишга, рахит касаллигига, дизентерияга ва турли юқумли касалликларга боғлиқдир. Яхши ўсмаган боланинг руҳий ҳолати ҳам кеч ривожланади. Демак, фарзандининг нимжонлигини наслга боғламай, уни тўғри тарбиялаш, турли жисмоний машқларга ўргатиш, чиниқтириш лозим.

Новдани хоҳлаган томонга эгиш мумкин бўлгани каби ёш организмни ташқи шароит таъсирига ўргатиш шунча осон ва енгил. Кўринадики, булар кўп жиҳатдан ота-онага боғлиқ.

Жисмоний тарбиядан мақсад болаларни соғлом, чидамли, қўрқмас қилиб ўстириш, жасур кишилар қилиб етиштиришдир, чунки, жисмоний тарбия болани чиниқтиради, организмни турли касалликларга қарши кураша оладиган ва чидамли қилади.

Фарзандларимиз ёшлигидан соғлом ва тетик ўсиб улғайсинлар. Оилада гигиеник жиҳатдан қулай шароит яратиб бериш, тўғри кун режимини белгилаш, жисмоний машқларни қилдириш бола организмини чиниқтиради.

О. МУХТОРОВ,
шифокор.

МУЛОҲАЗАМИЗ

Барча шодликларнинг манбаи — меҳнат эканлигини яхши биламиз. Меҳнат кишини улуғлайди. Шу боисдан фарзандларимизни ёшликдан меҳнатга ўргатамиз, улар меҳнатсевар бўлиб вояга етадилар.

Зотан, меҳнатсевар ва фидокор ишчи-деҳқонларимиз сафларини тўлдираётган, уларнинг ажойиб анъаналарини эгаллаётган ёшларга меҳнат дафтарчасини топшириш тантанаси ўзига хос шодиёнага айланмайди, дейсизми?

Бундан ўғил-қиз маънавий озуқа олади. Бу билан биз ўсмирларни меҳнатга, ижтимоий мулкка коммунистик муносабатда бўлиш ҳис-туйғуларини орттирган, янги жамият қуриш ишига янада активроқ сафарбар этган бўламиз.

Аммо, очиғини айтганда бу яхши анъанага кўпгина корхоналарда, колхоз ва совхозларда ҳануэгача етарли эътибор бермай келинмоқда. Меҳнат қўчоғига келган йигит-қиз кадрлар бўлимига учрайди-ю, шу билан ишга қабул қилинган бўлади. Кейинчалик меҳнат дафтарчасини топшириш ҳеч кимнинг эсига ҳам келмайди.

Ваҳоланки, бу масалага эътибор билан қараш даркор. Бизнингча, бу анъанани оммалаштириш мақсадида корхона ёки хўжаликда кадрлар бўлими мудири ёки қишлоқ Советининг раиси бошчилигида алоҳида комиссия тузилгани маъқул. Шу билан бирга дафтарчани топшириш тантанасига меҳнат ветеранларини таклиф этилса тағин ҳам яхши бўлади. Улар ўз тажрибаларини сўзлаб берган, ёшларга йўл-йўриқлар кўрсатган бўлур эдилар.

Ахир, ёшларни меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш шу кунининг муҳим вазифаси-ку!

И. ИНОҒОМОВ,
Т. ШАРИПОВ,
пенсионерлар.

КАСБИМИЗ — ФАХРИМИЗ

Муаллимлар муаллими академик Т. Н. Қориниёзовнинг қуйидаги ажойиб гапларини яна бир бор эслаб, дилга тугишга аҳд қилдик.: «Ҳақиқий ўқитувчида аввало майл ва истеъдод, рағбат ва ҳавас бўлиши лозим. Унинг фикр-ёди, завқ-шавқи таълим ва тарбия устида бўлган холдагина қутилган самаралар беради». Яхши айтилган, ҳақиқат гап. Ёдимизда:

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига илк бор қадам қўйиб ўқитувчи бўлиш ништёқи қалбимда туғён урган чоғда бу касбга бўлган меҳр-муҳаббатни ошириб, бизни мафтун этган ажойиб устозларимиз: Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Сулаймонов, Теша Салимов, Абдураҳмон Алимуҳамедовларнинг лекция ва суҳбатларини жон-қулоғимиз билан тинглар ва ҳавас-иштёқ билан таассуф қилардик. Институт ҳаёти, педагогик практикалар ортда қолди. Мустақил ҳаёт, илк серташвиш дамлар бошланди.

Ёдимда: бир куни муаллима З. умидан нохуш аҳволда дарсга келди. «Юрагига ҳеч нарса сиғмаётганини» айтганида, директор (отахон педагог Фозилқориака Ғафуров) бундай деди:

— Уйимизда ҳар турли воқеа рўй бериши мумкин. Бизнинг шахсий хурсандчилигимизнинг ҳам, ҳафачилигимизнинг ҳам болага дахли йўқ. Биз тарбиячи устозмиз. Талабаларимиз билим олиш истаги ва иштёқи билан келишган. Ҳамишалик хушнудлик билан қаршисида шахсий изтироб ёки хафагарчилик не даркор!

Биз, муаллимлар, талабаларимизнинг кўнглини кўтаришимиз, яхши истаклар билдиришимиз, уларда ҳамиша умид ва ишонч уруғини ундиришимиз зарур.

Ҳаёт фаровон, дастурхон тўкин. Бироқ, нечундир ҳали ҳам синфда такрор қолиш, кузга топшириқ олиш ҳоллари тугатилмаяпти. Ахлоқ-одобга зид холларга дуч келиб турамиз баъзан! Афсуски, баъзи ўйинқароқ, шўх болалар ножўя хатти-ҳаракат қилсалар: «Сенга мактабда шундай таълим беришадими?», «Сенинг муаллимларинг шундай қилиш дейишдими?!» — деган дашномларни эшитамиз. Йўқ, азизлар, ҳеч вақт, ҳеч қачон, ҳеч ерда устоз — муаллим «ёмон бўлгин» демайди ва ноўрин хатти-ҳаракатга йўл қўймайди!

Қуш уясида кўрганини қилади. Аввало, оила — ота-она. Шунинг билан мактаб ва ўқитувчилар ҳамкорлиги зарур. Афсуски, мактабда жуда камдан-кам бўлиб, фарзандининг ўқиши, хулқ-атвори билан деярли қизиқмовчи ота-оналар йўқ эмас! Болалари синфда такрор қолса, ёхуд кузги топшириқни бажаролмай ўтолмай қолса, мактабга —директор ҳузурига югурувчи ота-оналаримиз бор. «Шунча вақтдан бери қаерда эдингиз, нега вақтида болангизнинг ўқиши, хулқидан огоҳ бўлмадингиз?» — деймиз. Важ тайёр: хизматчилик. Иш билан бўлиб, қўл тегмади! Ажабо, ҳар қанча юмушингиз бўлса ҳам, фарзандингиз учун лоақал ҳафтада бир-икки соат вақт тополмадингизми?

Баъзи болаларнинг шарпирос чекишини аниқлаб қоламиз. Бу ҳақда ота-онани хабардор қилганимизда, улар «ҳайрон» бўлишади, ёқа ушлашади. Ахир, наҳотки, ўз фарзанди шундай зарарли, ножўя ҳиссиётга берилса, ўрганса-ю, оила буни сезмаса!

Яна икки оғиз сўз. Серқуёш республикамиз билим ва тарбия масканларида уч миллион уч юз йигирма тўрт минг бола таҳсил кўряпти. Шу толиби илмларнинг катта кўпчилиги бизнинг Тошкент шаҳар ва областимиз мактабларига тегишли. Ушбу янги ўқув йили ўзига хос хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Ўрта умумий мажбурий таълим, янги ўқув программалари асосида изчил таълим бериш — бу мураккаб ва масъулиятли вазифалар мактаб билан онла, педагоглар коллективи билан ота-оналарнинг мустаҳкам, дўстона алоқада бўлиб, ёш авлод тарбияси йўлида баҳамжиҳатлик билан ғамхўрлик қилишни талаб этади.

Қаерга борманг, ким билан суҳбатлашманг, биринчи бор мактабга қадам қўйгани, биринчи ўқитувчиси, биринчи дарс, таассуротларини сўзлайди. Ҳа, бу дамлар унутилмас!

Биз педагоглар ҳам, сиз муҳтарам отахон, муҳтарама онахонлар ҳам ана шу авлодларимиз тарбияси йўлида баҳамжиҳатлик билан, жадил бўлайлик! Бир-биримиздан гинахонлик қилишга йўл қўймайлик, балки аксинча, бир-биримиздан ҳамиша миннатдор бўлайлик.

Ота-оға қўлида яхши тарбия кўрган, устоз-педагогларда чуқур-мустаҳкам билим олган фарзандлар жамиятимизнинг фойдали, баобрў, назокатли, эътиборли кишилари бўлиб етишадилар. Бунга бехисоб мисоллар келтириш мумкин. Файзулла ота — пири бадавлат Тошкент шаҳрининг Октябрь районида истиқомат қиладилар. Қўша-қўша ўғиллари ҳам, қизлари ҳам, набиралари ҳам ахлоқи, одоби, билимига иштиёқи, фаоллиги билан хох маҳалла — кўй, хох мактаб, иш жойида барчага намуна, ҳаммага эътиборли! Катта ўғил Тўхтамуроджон медицина фанлари кандидати, доцент; Раҳматулла — журналист, Асатулла — савдо ходими ва ҳоказо. Билимли, ҳушмуомала, назокатли! Ота-она ҳам, тарбиячи устоз муаллим ҳам фахрланади бундайлар билан!

Истаймизки, ҳамма фарзандларимиз, ҳамма талабаларимиз ана шундай бўлишсин!

Биз педагоглар Улуғ Коммунистик партия ва Совет ҳукуматимизнинг бетимим ғамхўрликлари, меҳрибончиликларидан илҳомланиб, шарафли, севимли касбимизни, у тақозо этган иш-вазифани сидқидилдан адо этиб, улуғ жамият ворисларини камолга етказамиз.

Қалб қўримиз, билимимиз, ифтихоримиз ва бутун педагогик маҳоратимиз ана шу юксак ва олийжаноб вазифани ҳамиша муваффақият билан адо этишга бағишланган!

У. САЛОҲИДДИНОВ.
Педагогика фанлари кандидати.

КИШИ ОДОБИ БИЛАН

◆ Сурати гўзал бўлган одамнинг ахлоқи ҳам гўзал бўлавермайди. Иш суратда эмас, кўнгилдадир.

САЪДИЙ.

◆ Кимки ўз билимдонлигини кўрсатмоқ учун бошқа одамнинг сўзини кесса, ўзининг ўта нодон эканини намойиш қилган бўлади.

САЪДИЙ.

◆ Ҳамма нарсани билмшга киришиб, ҳеч нимани билаолмай қолгандан кўра, оз нарсани пухта билиш маъқул.

ДЕМОКРИТ.

◆ Ердан йилига бир марта ҳосил олинса, дўстлик ҳамма вақт ҳосил беради.

ПИФАГОР.

◆ Бир одамнинг феъл-атворини яхши билмасдан турмуш, уни ёмонлама ва мақтама!

ФЕОГНИД.

◆ Агар сен ота-онангни бехурмат қилсанг ва буни эл-юрт пайқаб қолса, у ҳолда сендан ҳамманинг нхлоси қайтади... Одамлар ота-онангга нисбатан ноинқўрлик қилганингни билганларидан кейин, сенга яхшиликни раво кўрмай қўядилар, чунки сендан яхшиликка яхшилик қайтишига кўзларн етмайди-да!

СУҚРОТ.

◆ Одам боласининг ҳаётида энг муқаддас ва ажойиб киши — она бўлади. Онани шодмон этадиган меҳнатнинг маънавий гўзаллигини болалар сезиши жуда муҳим... Фарзанд онасини шодхуррам қилай деб, қанча кўп меҳнат сарфлаган бўлса, унинг юрагида — одамгарчилик шунча кўп бўлади.

В. СУХОМЛИНСКИЙ.

ҲАМКОР, ЖОНКУЯР

Бегмат ака ўқувчилар слётига боришга сўз беришга бердию, кейин ўйланиб қолди.

— Ўғил-қизларимиз яхши ташаббус бошлашибди, — ўзича мулоҳаза юритарди бригадир.

— Мактаб маъмурияти ташаббускорлар истагини инобатга олиб, алоҳида йиғин ўтказишни лозим топибди. Ўқувчилар олдида бирон бир фойдали гап айтиш керак бўлади.

Ахир, касб танлашнинг ўзи бўладими! Касбинг — бахтинг деб, бежиз айтишмаган-ку! Агар буни колхозимиз ҳаёти билан боғлайдиган бўлсак, кўп гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ўқувчиларнинг кўпчидиги шу колхоздан. Аммо, касб танлаш —аввало эътиқодга боғлиқ. Бусиз ёш қалбда касб-ҳунарга қизиқиш, хавас уйғотиш қийин. Ана шулар тўғрисида албатта гапириш керак...

Бегмат ака шу хаёллар билан йўлга отланди. Бригадир Б. Мирзажоновнинг ўзи ҳам шу 25-мактабда таҳсил кўрганди. Тажрибали ўқитувчи Комил ака Миродиловнинг қўлида ўқиди. Унинг фойдали маслаҳатларидан бахраманд бўлди.

Устознинг гапига кириб кам бўлмади. Мана бир неча йилдирки, у Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг илғор бригадири.

«Ўқувчилар меҳат дарси машғулотларини шу бригадада ўтказишса қандай бўларкин, — ўйлади бригадир. Эҳтимол бу ўқувчиларга жуда қўл келар?! Ҳозир шу таклифни йиғилишда ўртага ташлайман...»

Ўқувчилар слёти кутилгандан ҳам зиёд ўтди. Залдагилар бригадирнинг чиқишини илиқ қарши олишди.

— Бегматжон яхши гапни айтди, — деди мактаб директори ўртоқ С. Содиқов. — Унинг бу таклифини биз қўллаб-қувватлаймиз. Бундан кейин шу хўжаликда ўқувчилар бригадасини ҳам ташкил этамиз.

Директорнинг бу гаплари йиғилишга якун бўлди.

Бригадир Бегмат ака деҳқончилик сир-асрорларини беш қўлдек билади. У шу колхозда туғилиб вояга етди. Умр йўлдоши Машҳура опа ҳам шу қишлоқдан. У ҳам шу қадрдон билим ўчоғида ўқиди.

Бегмат акаларнинг олти фарзанди бор. Булардан уч киши ушбу мактабни тугатиб, мустақил ҳаёт қучоғига йўлланма олди. Ҳозирда эса Махсума, Улуғбек каби фарзандлари мактабнинг аълочи ўқувчилари.

Оилада бола тарбиясига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунинг учун ҳам фарзандлар меҳнатсевар, одобли бўлиб ўсишмоқда.

Бригадир Б. Мирзажонов актив ташкилотчи ҳамдир. У мактаб ота-оналар комитетининг аъзоси сифатида педагогик коллективга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Ўқув-тарбия ишларини яхшилашда ҳам бу жонкуярнинг муносиб ҳиссаси бор.

Чиндан ҳам мактаб педагогика коллективи бу камтарин, қалб эгаси ҳимматидан хурсанд.

А. АЛИЕВ.

УЛУҒ МАҚСАД ЙЎЛИДА

Эргашнинг орзуси ушалиб, фельдшер бўлганда Улуғ Ватан уруши бошланиб қолди. Юртимизнинг минглаб ўғил-қизлари қатори у ҳам қўлига қурол олди. Душманга қарши қонли жангларда катта жасорат кўрсатди. Осмондан ёмғирдек ўқ ёғилиб турган вақтларда ҳам у қанчадан-қанча жангчининг умрини сақлаб қолди.

Ҳа, у ҳарбий фельдшер эди. Ҳукуматимиз унинг бу жасоратини муносиб тақдирлаб, «Қизил Юлдуз» ордени ҳамда «Жасорати учун» медали билан мукофотлади.

Шоиримиз Ғафур Ғулом:

Улуғ жанг кунидир, жангки беомон,
Лашкар деган, ахир, бехатар бўлмас —

дея бор ҳақиқатни айтган эди. Уруш шифокор қалбида ўз тамғасини қолдириб кетди: бир кўли ногирон бўлиб қайтди. Аммо, юрак қўри, олий ният билан ишга тушди.

У дастлаб Оржоникидзе районидаги «Қипчоқ» участкасидаги медицина пунктига ишга келди. Ҳозир медицина пункти республикагина эмас, ҳатто Иттифоқимизда ҳам машҳур. Бу фельдшер-акушерлик пункти республика медицина пунктлари кўригида биринчи ўрин эгаллади. Бунда Эргаш аканинг ҳиссаси катта. Хонбиби Тўйчибекова, Олмош Алибекова, болалардан Икром Бердиёров, Бахтиёр Инкоров каби беморларни клиник ўлим ҳодисаси рўй берганда, биринчи медицина ёрдами кўрсатиб, уларни ўлимдан қутқариб қолган ҳам шу Эргаш ака. Улар Эргаш акадан бир умрга миннатдорлар.

Партия ва ҳукуматимиз Эргаш Назирқуловнинг ҳалол меҳнатига юксак баҳо берди. У 1966 йилда «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди. СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Фахрий ёрлиғи, Узбекистон ССР, область ташкилотлари ёрлиқлари билан тақдирланди.

Шифокор қишлоқ аҳолиси ўртасида қизиқарли суҳбат ва лекциялар ўтказиб, совет медицина ютуқларидан гапириб беради. Актив пропагандистлиги учун берилган 20 дан ортиқ ёрлиқ бунинг далилидир. Шифокор Узбекистон ССР гигиена билимлари тарқатиш аълочисидир.

Замонавий медицина асбоблари билан жиҳозланган пункт эндиликда кенг танилди. Чунончи, Бутуйдунё медицина ходимларининг форуми қатнашчилари, Бутундунё соғлиқни сақлаш кенгашининг вакиллари, Бирма, Арабистон, Америкадан келган мутахассис олимлар қишлоқ медицина пунктида бўлиб, бой таассуротлар билан қайтдилар.

Бултур бу ерга Бутундунё соғлиқни сақлаш комитети раисининг ўринбосари, юрак операцияси устида иш олиб борган доктор Бернари ташриф буюрди. У. Эргаш аканинг ишлари билан танишди ва ютуқлардан қувонди. Ана шу фактларнинг ўзи оддий медпунктнинг камтарин, ишбилармон уста фельдшери Эргаш Назирқуловнинг қанчалар моҳир шифокор эканлигини кўрсатади.

Шифокор ҳамиша изланишда.

Б. ҚОСИМОВА,
Ҳ. МУЛЛАБОЕВА.

ГРИППДАН САҚЛАНИНГ

Грипп, дунёда энг кўп учрайдиган ва тез тарқайдиган юқумли касалликлардан. Бу касаллик ҳар фаслда тарқалиши мумкин. Лекин у кўз, киш ва баҳор фасларида ёзга нисбатан кўп учрайди.

Бинобарин, бу касаллик учун масофанинг чегараси йўқ. Жуда қисқа муддат ичида иккинчисига, бир қитъадан бошқасига «етиб» боради. Чунки, грипп вируси ҳавода шамол билан бирга учиб юради. Шунга кўра, грипп билан кураш, унинг олдини олиш ва даволаш бутун дунё медик олимларининг эътиборини ўзига тортган.

Мамлакатимизда бу касалликни ўрганиш, унинг олдини олиш йўлида қатор ишлар қилинди.

Гриппни чақирувчи вируслардан ҳозирча 6 тури маълум. Булар орасида «А»2 тури кўпгина мамлакатларда кенг тарқалмоқда.

Олимларнинг фикрича, 1972 йилнинг қиш ойларида тарқаган грипп «А»2 бу йилнинг қиш ойларида яна учраши мумкин.

Гриппнинг тарқалишига йўл қўймаслик тадбирлари кўрилмоқда. Соғлиқни сақлаш органлари, медицина ходимлари, тарбиячи-педагоглар, мураббиялар, қолаберса ҳар бир совет граждани бу муҳим ишда фаол иштирок қилиши зарур.

Аҳоли кўп бўладиган кўча-кўйларда, транспортларда, вокзал, аэропорт, кинотеатр, корхоналар, завод-фабрикаларда, бозорларда озодалик ҳар қачондагидан ҳам яхши йўлга қўйилиши даркор. Пассажир транспортларини ҳар куни дезинфекция қилиб туришни унутмаслик керак.

Хонадонларда озодаликка риоя қилайлик! Бу билан юқумли касалликнинг олдини олишга кўмаклашган бўламиз.

Грипп энг хавфли касаллик. Ҳаммамиз унга қарши бир жонбир тан бўлиб курашайлик!

И. ФОЗИЛОВ,
Республикада хизмат кўрсатган врач.

ЖАНГОВАР ҲАМДЎСТЛИК ЁДГОРЛИКЛАРИ

Москва. Совет Армияси кўчаси, 2. Бу ерда СССР Қуролли Кучлари Марказий музейи жойлашган. Кираверишда Т-34 танки қўйилган. Унинг ёнида эса Армиямизнинг замонавий қудратли қуроли — ракета шонли зафарларимиз ва Совет Қуролли Кучлари қудратининг рамзи сифатида турибди.

Кўргазма Владимир Ильич Ленининг Совет давлати ва унинг Қуролли Кучларини ташкил қилиш ва мустаҳкамлаш борасида қилган буюк хизматларини ифода этувчи ҳужжатлар билан бошланади.

Жуда кўп экспонатлар — ҳужжатлар, жанговар байроқлар, қуроллар, ёрлиқлар, қаҳрамонларнинг шахсий буюмлари, фотография ҳамда тасвирий санъат асарлари чет эл ҳарбий интервенцияси ва Гражданлар уруши йилларида СССР халқларининг жанговар иттифоқи тузилганлиги, Ватан душманлари устидан қозонилган ғалаба тўғрисида ҳикоя қилади.

Қизил Армия энг аввало кўпмиллатли синфий армия сифатида қарор топди. Барча миллат ва халқларнинг жанговар ҳамдўстлиги ягона кўпмиллатли қисмлар ва бўлинмалар доирасида вужудга келди. Шу билан бирга миллий бўлинмалар ҳам ташкил топди. Масалан, бошқирд бригадаси, Ленин таъкидлаб ўтганидек, Петроград ҳимоясида мисли кўрилмаган қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Латиш ўқчи дивизиясининг шуҳрати кенг тарқалди. Экспонатлар орасида Туркистон полкининг фаолиятини акс эттирган материаллар ҳам кенг ўрин олган.

В. И. Ленин гомонидан Коммунистик партия раҳбарлиги остида бунёдга келган СССР халқлари жанговар Иттифоқи Улуғ Ватан уруши йилларида оғир синовларга бардош берди. Кўргазма материалларининг ҳикоя қилишича Қуролли Кучларимиз сафида СССРдаги барча миллат вакиллари оммавий қаҳрамонлик кўрсатиб, душман устидан ғалаба қозониш учун курашдилар. Совет партизанлари душман билан мардонавор жанг қилишди. Улар бир миллиондан ортиқ киши бўлиб, мамлакатимиздаги эллик миллат вакиллари эди. Биргина панфиловчи 316-дивизия составида 24 миллат вакиллари бор эди. Улар Москва остоналарида мисли кўрилмаган жасорат намуналарини кўрсатишди. Кўргазмада шу дивизия 30-гвардиячи ўқчи полкининг жанговар байроги ҳам намойиш қилинмоқда. Совет жангчилари қалбига интернационализмнинг юксак туйғулари тўла сингиб кетган. Қаршимиздаги экспонат бунинг яққол далилидир. Ҳарбий қурувчиларнинг кўпминг кишилик армияси — 9 ҳарбий округ вакиллари 1966 йилнинг май кунларида зилзиладан зарар кўрган Ўзбекистон пойтахти Тошкентга ёрдам беришга келишди. СССРдаги барча миллат ва элатларнинг жангчилари 214 минг квадрат метр майдонда турар жой бинолари, 2105 ўринли болалар муассасалари, 5713 ўқувчига мўлжалланган мактаблар қуриб беришди. Жангчилар қўли билан 30 мингдан ортиқ дарахт кўчатлари ўтказилди. Бу рақамлар таҳлилга муҳтож эмас...

Кўргазмада СССР Қуролли Кучлари Марказий музейи, Октябрь революцияси марказий Давлат архиви ҳамда Совет Армияси марказий давлат архиви фондидан олинган 1500 экспонат намойиш қилинмоқда. Кўргазмани ташкил қилишда барча иттифоқдош республикалар, шунингдек ҳарбий округлар, флот ва қўшин группалари, кўплаб армия ветеранлари катта ёрдам кўрсатишди. Масалан, Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. М. Будённий экспозицияга Советларнинг биринчи Бутуниттифоқ съездига делегатлик билетини тақдим этди.

СССР 50 йиллиги шарафига очилган бу кўргазма социалистик мамлакатни ҳимоя қилишда СССР халқларининг жанговар иттифоқи муҳим роль ўйнаганлигининг ёрқин намойишидир.

Г. ИЛЬИЧЕВ,
Москва.

ИЛМИЙ АТЕИЗМ СЕМИНАРИ

Тошкент область партия комитетида илмий атеизм бўйича пропагандистлар ва лекторларнинг ойлик семинари иш бошлади. Бу семинарга областнинг барча шаҳар ва районларидан лекторлар таклиф қилинган.

Тингловчилар лекциялар эшитиш билан бирга семинарларда қатнашадилар, имтиҳон топшириб, атеист — лектор гувоҳномасини оладилар. Улар учун республикамизнинг таниқли атеист олимлари профессор А. Ортиков, доцентлар А. Абдусамадов, М. Усмонов, И. Эрбўтаев, Т. Мўминов, М. Бўрихўжаев ва бошқалар лекция ўқишади.

Марксча-ленинча атеизм асослари, диннинг тарихи, атеизм тарихи ва фаннинг динга қарши кураши, ҳозирги замон ислом дини, ривожланган социалистик жамият босқичида меҳнаткашларни атеистик тарбиялаш проблемалари, атеистик ишлар методикаси бўйича алоҳида лекциялар ўқиш мўлжалланмоқда. Ҳар бир циклдан сўнг семинар машғулоти ўтказилади. Тингловчилар реферат ёзадилар, бу рефератлардан энг яхшилари танлаб олиниб кўпайтирилади.

Бир қатор машғулотлар республика илмий атеизм уйида ва унинг Свердлов посёлкасидаги филиалида ўтказилади. Семинарнинг маданий-оммавий программаси хилма-хил қилиб тузилган. Тингловчилар В. И. Ленин музейининг Тошкент филиалида, амалий санъат музейида, Ўзбекистон ССР халқ ҳўжалиги ютуқлари выставкасида ва бошқа жойларда бўладилар. Улар учун атеистик мавзудаги бир қатор ҳужжатли ва бадиий фильмлар ҳам кўрсатилади.

Семинар якунида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг лектори фалсафа фанлари кандидати Д. Ғаниев Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг динга муносабати ҳақида сўзлаб беради.

А. РАСУЛОВ,
Тошкент область партия комитетининг лектори.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Кимё институти физик-кимёвий текширишлар лабораториясида қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Суратда: илмий ходимлардан О. Назарова, М. Юнусова ва техник Н. Ятрудинилар лабораторияда.

М. Нуриддинов фотоси.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ТУЯ ГЎШТИ ЕГАН КЛУБЛАР

Қишлоқда ҳашаматли клуб қурилармиш, деган ҳушхабар тез орада ҳаммабоққа тарқалди.

— Энди мазза қилиб кино кўрарканмизда, — қувонишди ёшлар.

— Раҳбарлар барака топсин, қўнглинг нимани истаса рўёбга чиқаришипти, — дуо қилишди кексалар.

Клубда ҳаваскорлик, бичиш-тикиш, фото тўгарақлари ҳам бўларкан. Фото тўгарагига қатнашиб чиройли суратлар олишга аҳд қилган болаларнинг, «энди уйда бекор ўтирмай ҳунар ўрганамиз» деб қувонган қизларни айтмайсизми?

Тез кунларда клуб учун пойдевор қўйилди, шоферлар пешмапеш ғишт ташиб турдилар. Пойдеворнинг ярми битган ҳам эдики, қишлоқда яна дув-дув гап бошланди.

— Клуб бу йил қуриламас эмиш.

— Нега?

— Қурилиш материаллари етишмас экан.

— Ғишт уюлиб ётибди-ку, уни теришмайдими?

— Усталар огриб қолишибди.

Болаларнинг қувончига бўлут соя ташлади. Чолу кампирлар эса «эски ҳаммом, эски тос-да» деб қўяқолишди. Ёшлар эса бир-икки районга ва колхоз раҳбарларига мурожаат қилишди, кейин натижа бўлмагач, қўлларини ювиб қўлтиққа уришди.

Юқори Чирчиқ районининг «Правда» колхозидаги «Қизил Эмгек» ва Жамбул қишлоқларида қурилаётган клублар тақдири ана шундай. Шу кунларда объектларда қурилиш материаллари қор остида сочилиб ётибди. Буларни эҳтиётлайлик, ахир давлат маблағи сарфланган-ку, дейдиган азамат топилмаяпти. Район ижроия комитети ва қишлоқ Советлари бу клублар қурилишини қачон назорат остига олишаркин, бу номаълум. Аммо, аҳолининг маданият ўчоқларини орзиқиб кутаётганига ўн йилдан ошди.

У. АНОРМАТОВ.

КОЛХОЗЛАРГА ЮРИДИК ХИЗМАТ

Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли коллектив хўжаликларда туб социал-иқтисодий ўзгаришлар рўй бериб, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутнинг камайиши хўжаликларда ҳуқуқий муносабатларни кайта кўриб чиқиш, колхоз қонунчилигини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишни кун тартибига қўйди.

Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съезди сўнгги йилларда коллектив хўжаликларда рўй берган катта ўзгаришларни, иқтисодий-техникавий юксалишларни чуқур таҳлил қилиб, ҳозирги колхоз ҳаётининг ҳамма жабҳасида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган, унинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қиладиган ҳамда колхозчиларнинг ҳуқуқий, мулкий ва бошқа муносабатлари атрофлича баён этилган намунавий Уставни қабул қилди. Уставда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, колхоз қонунчилигини ривожлантиришни ҳар бир муайян шароитда амалий ҳал этиш йўллари кўрсатилган.

Съезддан сўнг ана шу Уставга мувофиқ районлар, областлар ва республика қишлоқ хўжалик бошқармалари ҳузурида колхоз Советлари тузилди.

Область ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармаси, область колхозлар Совети президиуми билан биргаликда бир қатор чоралар кўрди. Район ва область қишлоқ хўжалик бошқармалари қошида юридик группалар ташкил этилди. Улар ҳар бир колхозга планли асосда юридик хизмат кўрсатиб бу ишга бевосита раҳбарлик қилади.

Шу кунга қадар областимиздаги колхозларнинг фақат бештасида юридик хизмат кўрсатилиб, юристлар колхоз правлениеси раҳбарлигида иш юритишарди. Эндиликда эса улар қишлоқ хўжалик бошқармалари ҳузурида ташкил этилган юридик группалар раҳбарлигида иш олиб боришади. Группа аъзолари ўзларига бириктирилган колхозларда қонун асосида мустақил иш юритадилар.

Областимиздаги ҳамма колхозларга малакали юридик хизмат кўрсатишни таъминлаш учун барча чораларни амалга оширяпмиз. Бу тадбирдан колхозлар катта манфаат кўрадилар. Колхозлар билан ташкилотлар ўртасидаги қарзлар ундирилади, низолар ҳал этилади. Шартномаларнинг бажарилиши устидан назорат олиб борилади. Колхозчилар колхоз Уставига қатъий риоя қилиш руҳида тарбияланади. Коллектив маблағларининг тўғри сарфланиши устидан назорат ўрнатилади. Социалистик мулкни талон-тарож бўлиш ҳоллари олди олинади. Шунингдек, қишлоқ меҳнаткашларида давлат, жамоат қонун-қоидаларини ҳурматлаш ҳис-туйғулари тарбияланади ва ривожлантирилади. Умуман, колхозларда юридик хизмат кўрсатишнинг амалга оширилиши колхоз ишлаб чиқаришининг янада юксалишига, хўжалик модий-техника базаси мустаҳкамланишига, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутнинг бўқола боришига ҳар жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатади.

Н. МАҲКАМОВ,
Область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Спорт

БОШЛАНИШИ ЯХШИ

Ўтган якшанба куни волейбол бўйича аёллар командалари ўртасида Бутуниттифоқ чемпионатининг биринчи давра ўйинлари тугади.

Мамлакатимизнинг 12 та энг кучли волейбол коллективи икки группага бўлиниб, Москва ва Боку да куч синашди. Пойтахтнинг «Локомотив» ва ЦСКА командалари ўз группаларида пешқадам бўлиб олдилар. Улар беш учрашувнинг ҳаммасида ютиб чиқишди.

Ҳамшаҳарларимиз — «Автомобилчи» волейболчи қизлари ҳам дуруст натижага эришишди. Икки марта олимпиада чемпиони Вера Дуюнова бошлиқ қизларимиз Москва туридаги беш уйинда уч очкони қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Улар Краснодарнинг «Динамо» коллективини 3:0 ҳисобида ютгач, Туланинг «Пластик» командасини ва Ленинграднинг «Буревестник» қизларини мағлубиятга учратдилар. Кейинги икки учрашувда бир хил — 3:2 ҳисоби қайд қилиниди. Қизларимиз ўтган йилги чемпион «Динамо» (Москва) ва биринчиликнинг бронза совриндори — пойтахт темирйўлчиларидан енгилдилар.

ФУТБОЛ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Бу йил Ўзбекистон футбол коллективлари иштирок этадиган иккинчи лига зонасининг составн белгиланди. Республикамиз бу мавсумда олти команда билан биринчиликда қатнашади. Булар Фарғонанинг «Нефтчи», «Янгиер», Термизнинг «Автомобилчи», «Янгиариқ» ҳамда ўтган йилги республика чемпиони — Жиззахнинг «Труд» ва 1972 йил республикада иккинчи ўринни олган Андижоннинг «Автомобилчи» футболчиларидир. Республикамиз командалари билан бир зонада Қозоғистондан етти, Тожикистондан бир коллектив ҳамда Тюмень, Курган футболчилари беллашадилар.

Республикамизнинг иккинчи лига коллективлари биринчилик мусобақаларини бошлаш олдидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети физкультура ва спорт комитетининг совғини учун ўтказиладиган турнирда қатнашадилар. Бу турнирда Тошкент пахтакорчилари ҳам иштирок этади.

ОЙНАВАНД ТОМОРҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Тошкентдаги 1-теплица комбинатининг иккинчи навбати қурилиши тугалланди. Ойнаванд томорқа олти гектар кенгайтирилди. Теплицаларнинг ҳар бири уч гектардан иборат. Шу туфайли теплицаларда ер ҳайдаш, ўғит солиш, ерга ишлов бериш учун тракторлар ва бошқа техникадан фойдаланишга шароит яратилди.

Теплицани табиий газ иситади. Уч йилдан сўнг комбинат қурилиши тамомланади. Ўшанда комбинат йилига беш минг тонна сабзавот етиштирадиган бўлади.

Бу йил пойтахт области хўжаликларида теплица майдонлари икки баравар кўпайтирилиши керак. Беш йилликнинг охирига бориб эса бу ерда теплица хўжаликларининг майдони кўпайтириб, икки юз гектарга етказиш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз территориясида жойлашган мактабда рус тили тўгараги яхши ишламоқда. Суратда: К. Сенткалиева бешинчи синфда машғулот олиб бормоқда.

И. ПОРТНОВ фотоси.

ИЗМА-ИЗ

Соат кеч саккизлар чамаси эди. Трубкани милиция лейтенанти, навбатчи Олимжон Каримов олди-ю, ҳар галгидек ҳушёрлик билан:

— Навбатчи Каримов эшитади, — деди.

Кейин унинг қиёфаси ўзгарди. Навбатчининг ўз муомаладошига бераётган саволларидан яна бир оғир ҳодиса рўй берганлигини сезиб олиш қийин эмасди.

Суҳбат тугагач, Каримов бўлган воқеа ҳақида бўлим бошлиғига: Келес посёлкасига кираверишда бир ўлик ётганлиги ёшда велосипеди ҳам борлиги ҳақида маълум қилди. Ундан воқеани аниқлаш ва жиноятчини ушлаш учун чоралар кўриш тўғрисида буйруқ олгач, жиноят қидирув бўлими ходими Абдураҳмонов, ГАИ ходимлари Маҳкамов, Султонхўжаев, Мақсудов, терговчи Юсупхўжаев ва участка вакили Исаевлардан иборат оператив группани ташкил этди.

Группа айтилган жойга етиб келиб фожиа машина уриб кетганлиги туфайли содир бўлганлигини аниқлади. Лекин қандай машина, кимнинг машинаси эканлиги номаълум эди. Қидирув ишининг алифбеси бошланди. Шу атрофда истиқомат қилувчи аҳоли ёрдамига таянилди. Милиция хизматчилари уйма-уй юриб, бу воқеа ҳақида суриштиришди. Бир кекса отахон: «соат нечалигини билмайман, кечроқ похол ортган бир машина ўтганини кўрдим, у Тошкент томон кетди» деди.

Милиция ходимлари икки группага бўлиниб, автомашинани изма-из қидиришга тушишди. Милиция старший лейтенанти Маҳкамов ва Турсуновлар, шу райондаги Охунбобоев номли колхоз томонга боришди ва гаражга кириб машиналарни кўришди: ҳаммаси жойида, аммо бир машина жойида йўқ эди. Улар ҳайрон бўлишиб, бунга қизиқа бошладилар. Қайси машина, шофери ким, нима учун шу вақтгача гаражга қайтмади. Гараж қоровули билан суҳбат қилишган вақтда у машинанинг шофёри Убай исмли киши бўлиб бугун шолипоя ишлаганлигини билдирди. Ходимлар Убайнинг уйини топишган вақтда у машинадан шоли похолини тушираётган эди.

Убай ака машинани бўшатгач, уни кўздан кечирган бўлди-ю, ҳеч воқеа бўлмагандек гараж томон ҳайдаб кетди. Милиция ходимларидан Маҳкамов ва Турсуновлар ҳам изма-из гаражга етиб бордилар. Убай ака машинани ўз ўрнига қўйиб гараждан чиқаётганда милиция ходимлари уни тўхтатишди ва унга машинанинг кўриш истаклари бор эканини билдирдилар.

Милиция ходимлари келиб машина ғилдиракларини ва бошқа қисмларини кўздан кечирдилар. Кузатиш натижасида машина ғилдиракларида қон доглари ва излари қолганлиги аниқланди. Аммо, машина шофёри Убай Абдуллаев ўзи қилган жиноятини тан олмас эди. Маҳкамов ва Турсунов машина ғилдиракларини экспертга юбордилар. Эксперт тезликда бу доғларни текширнб, одам қони эканлигини аниқлади. Бундан бир соат аввал номаълум бўлган жиноят юқорида номлари тилга олинган милиция ходимларининг эҳтиёткорлиги билан кўрган тадбирлари натижасида тезда очилди. Абдуллаевга эса ўз жиноятига иқрор бўлишдан бошқа илож қолмаган эди.

О. МИРПУЛАТОВ,
Калинин район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — «Қор аёл» (болалар учун мультфильм).

Ўзбек тилида: 18.15 — «Ёш куч». Спорт программаси. 18.45 — Ҳужжатли фильмлар киноэкрани. 19.10 — Ун минут музика.

Рус тилида: 19.20 — Беш йилликнинг учинчи йили, 19.50 — «Ахборот» информацион программаси.

Ўзбек тилида: 20.35 — «Ахборот» информацион программаси. 21.05 — Ўзбек куйларидан концерт.

22.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

12.00 — «Довон ортида довон» (ҳужжатли фильм, рус тилида). 12.25 — Ўқув программаси. 10-синф. Комил ЯШИН. «Йўлчи Юлдуз» драмасида Ленин образи» (Ўзбек тилида).

18.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 22.00 — Қўшиқларда нуйланган инсон» (телевизион фильм). 22.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. Сабзавотчилик факультетлари (Ўзбек тилида). 23.00 — «Совет киноси усталари». Киноактриса Лидия Смирнованинг ижодий портрети.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.10 — Ўқув программаси. Адабиёт. 10-синф. Чет эл адабиёти. «Федерико Гарсиа Лорка поэзияси» (рус тилида). 19.50 — «Бу ер — менинг Ватаним» (ҳужжатли фильм, Ўзбек тилида). 20.40 — «Эзоп» телевизион спектакли.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/1 да Севилья сартароши, 17/1 да Дилором, 18/1 да Чинчи-сан.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/1 да Инқилоб тонги, 17/1 да Парвона, 18/1 да Самандар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/1 да Лаҳма, 18/1 да Жон қизлар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/1 да Трибунал, 17/1 да Садоқат, 18/1 да Беш кунлик куёв.

КИНО

16 ЯНВАРДА

Нариги томон кишиси — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Рустам ва Суҳроб — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ярим ва кеч 9 да), «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да), «МОСКВА» (кундуз соат 3, 5 ва кеч 7 да).

Кутилмаган меҳмон — ҲАМЗА НОМЛИ, «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИИЛЛИГИ» (кеч соат 6, 8, 9 яримда), «МОСКВА» (эрталаб соат 11 ва кеч 9 да), «ВОСТОК» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва 5 да).

Аждодлар сири — Г. ГУЛОМ номли (тоқ соатларда).

Сен менинг ҳаётимсан (2 серия) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечкурун).

Андрей Рублёв (кундуз соат 3, ва 8 да), «Қора фаришталар» (эрталаб соат 11, 12, 2, 5, кеч 6 ва 9 да): — «СПУТНИК»,

Севгига эришиш йўли — «МИР» (жуфт соатларда).

Одам — орнест?: Тахта — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ярим, кундуз 4 ва кеч 6 яримда).

Дунё (2 серия) — «КЎКЧА» (кундуз соат 12, 3, кеч 6, ва 8.45 минутда).

Уч мушкетёр (2 серия) — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечкурун).

Рам ва Шам (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИИЛЛИГИ» (кундуз соат 12 ва 3 да).

«МЕТАЛЛОБЫТРЕМОНТ»
КОМБИНАТИГА
металларни совутиб ишлаш бўйича катта нормаловчи
КЕРАК
Меҳнат ҳақи — смета бўйича тўланади.
Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси, ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64697.
Р—02135 № В—1652. АТ